

«ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2023 йил 23 март

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2022 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Темур кўчаси 40 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2023 йил 23 март куни ўтказилди. Йиғилишда 1824294 овозга эга 5 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,65 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахасиси.

Ганиев Д.И. – Марказнинг “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари.

Холжигитов А.К. – «Олой дехқон бозори» АЖ директори .

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Каримова М.Ш.

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Каримова М.Ш., Юсупова Ш, Азизова Д.

Йиғилишга жамият кузатув кенгашининг аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. «Олой дехқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.
5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.
6. Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.
7. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.
10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.
11. Жамият уставига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш янги тахрирда тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг «Кузатув кенгаши хақида»ги низомига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш янги тахрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан кузатув кенгашининг раиси А.А.Раззоқовнинг йиллик ҳисоботи ва жамият директори Холжигитовнинг 2022 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ҳисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2022 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди, жумладан 2022 йилнинг якуни

бўйича ялпи даромад режаси 4734626,0 минг сўм бўлган, амалда 5155342,0 минг сўмга ёки 420716,0 минг сўмга кўп бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 3932244,0 минг сўмни ташкил этиб, амалда 4174698,0 минг сўмга харажат қилинган режага нисбатан 242454,0 минг сўмга кўп харажат қилинган. Соф фойда режаси 147858,0 минг сўм бўлиб, амалда 285285,0 минг сўмга режага нисбатан 137428,0 минг сўмга кўп бажарилганлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207- сон қарори иловасининг 37- бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари йилнинг хар чораги якуни бўйича ўрганилганлиги ва хисоботлари тақдим этилганлигини маълум қилди, (хисобот тўлалигича илова қилинади).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «Konsauditinform» агентлиги аудиторлик компаниясининг 2022 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош хисобчиси Шоймардонов М. ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келиши ҳақидаги 2023 йил 10 мартдаги ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамият бош мухосиб Шоймардонов М. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ хисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **тўртинчи** масала юзасидан жамият бош хисобчиси М.Шоймардонов сўзга чиқиб, 2022 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори «Konsauditinform» агентлиги томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2022 йил хисобот йилида жамият 285285,0 минг сўм соф олганлигини билдирди.

Мазкур соф фойда юзасидан қуйидагиларни айтиб ўтди:

Норматив ҳужжат сифатида Адлия вазирлигидан 1209-сон рақам билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (бугунги кундаги Иқтисодият ва молия вазирлиги) 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари (7-илова) **62-бандида** “«Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» (450-сатр) моддаси ҳисоби бўйича тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи ҳисобларида (8700) юритиладиган **ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари)да акс эттирилади**” деб белгилаб қўйилган.

Яъни Ф-1 шаклдаги 450-сатрни расмийлаштириш тартибига тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”нинг (рўйхат рақами 1181, 2022 йил 23 октябр) **361-банди 2** хатбошисида “Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 “**Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)**” счётининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу счётнинг дебетига 9900 “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” счёти билан **боғланган ҳолда** ҳисобдан чиқарилади” деб кўрсатилган.

Бундан ташқари ушбу йўриқноманинг:

362 бандида. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар (8700)нинг бошқа счётлар билан боғланиши кўрсатилган

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Сўётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	ҳисобот даврида аниқланган якуний молиявий натижа тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) сўётига ўтказилди: фойда суммаси зарар суммаси	9910 8710	8710 9910

Шундан келиб чиқиб, ушбу нормативлар ва унда келтирилган ўтказмалар намуналари асосида “Олой деҳқон бозори” АЖнинг бухгалтерияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Адлия вазирлигидан 2000 йил 3 июлдаги 942-сон рақам билан норматив ҳужжат сифатида давлат рўйхатидан ўтган йўриқномаси асосида ҳисобот йили (2022 йил)да олинган 285 285,0 минг сўм соф фойдасини 2023 йил 15 февралдан кечиктирмай (Ф-2, 270 сатр) Ф-1 шаклдаги 450-сатрда боғланган ҳолда акс эттирганидан кейин йил бошидаги -1 119 299,8 минг сўм зарар камайиб, йил охирида -834 015,1 минг сўмни ташкил қилган (бухгалтерия баланси Ф-1 ва Ф-2 шакллари илова қилинади).

Демак бундан келиб чиқиб, ушбу нормативлар асосида ҳисобот йилида (2022) олинган соф фойда аввалги йиллардаги зарарни қоплашга **тўлиқ йўналтирилган**.

Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2022 йилдаги ЎРҚ-813-сонли қонунлари 12-моддасида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдоридан ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Адлия вазирлигидан 2000 йил 3 июлдаги 942-сон рақам рўйхатга олинган йўриқномасининг 4 бандида йиллик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **15 февралдан** кечиктирмай топшириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни 35-моддасида ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **15 июнидан** кечиктирмай, солиқ органларига аудиторлик хулосасининг кўчирма нусхасини тақдим этиш кўрсатилган, яъни аудиторлик текширувини 15 июнга қадар ўтказиш муддати кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги”ги ЎРҚ-370-сонли қонуни 58-моддасида “Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади” деб, яъни **1 июлга қадар** ўтказилиши қайд этилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бугун 2023 йил 23 март ҳолатига жамитнинг солиқ органларига топширилган Ф-1 ва Ф-2 бухгалтерия ҳисобот шакллари 450-сатрида фойда йўқлиги, 2022 йил ҳисобот йилида олинган соф фойда келтириб ўтилган норматив ҳужжатлар асосида зарарни қоплашга йўналтирилганидан келиб чиқиб, ушбуларни инобатга олишни тақлиф этди.

Шунингдек, мазкур масалада жамиятнинг манфаатларида иш юритаётган “GODE and LAW” адвокатлик фирмаси “Иқтисод ва молия вазирлиги”га 2023 йил 23 мартда М-19-сонли адвокатлик сўрови юборганлиги сабабли, адвокатлик сўровига келадиган жавобга қараб, келтириб ўтилаётган тақлифни (соф фойда масаласидаги) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб орқали ўзгартириш мумкинлигини билдирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият директори А.К.Холжигитов сўзга чиқиб, 2023 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2023 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд

имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йулларини ахтариш кўрсатилганини билдирди, (“Бизнес-режа”, “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

- Кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, 2022 йил 24 март куни ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори этиб Холжигитов Абдумўмин Кадиорович сайлангани, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа ўртасида ҳурматга эга бўлди. Меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий кафолатларга рия қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштирди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2022 йилда ижобий кўрсаткичларга эришишда унинг ҳиссаси катта бўлди;

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни инobatга олиниб Кузатув кенгаши томонидан жамият директорнинг меҳнат шартномаси мудатини уч йилга тузиш таклифи киритилгани;

Бунда ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши белгилангани.

Бошқа таклифлар бўлмади. Овозга қўйилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **еттинчи** масалага ўтиб, 2023 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси М.Каримова сўзга чиқиб, “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

(“FTF-LEA-AUDIT” МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **тўққизинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис М.Каримова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтди:

1. “AUDIT WON” МЧЖ - 8000000 сўм,
2. “GREAT-FOURS” МЧЖ - 10000000 сўм.
3. “OSIYO-AUDIT” МЧЖ 13750000 сўм

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича жамиятнинг ходимлари менеджери Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмаси жамият акциядорларининг 2022 йил 24 мартдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланганлиги, бугунги кунга келиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган тегишли ўзгартиришлар билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис М.Каримова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда)га тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги, яъни устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги, ушбу ўзгариш 2023 йил 20 апрелдан кучга кириши, шу муносабат билан мазкур қонунчилик талабига амал қилиш мақсадида жамиятнинг амалдаги уставига ўзгартириш киритилиб, янги таҳрирда ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги таҳрирдаги Устав лойиҳаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис М.Каримов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу қонун билан давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятларнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги сабабли, жамиятнинг амалдаги Кузатув кенгаши ҳақидаги низомига ўзгартиришлар киритиб, янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини айтди ва киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси М.Каримова ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

1-масала	2-масала	3-масала
Ўклаган 1824294-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	Ўклаган 1824294-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	Ўклаган 1824294-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%
4-масала	5-масала	6-масала
Ўклаган 1824294-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	Ўклаган 1824294-0,0% Бетараф 8-0,52% Қарши 0-0,0%	Ўклаган 1824294-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%
7-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
1. Бойсинов Жасур Хасанович 3. Камолов Толмас Каримович 5. Раззаков Аҳад Анварович 7. Каримов Малик Раҳимович 9. Шерова Дилдора Нурдиновна	1824294 та овоз, 1824294 та овоз, 1824294 та овоз, 1824294 та овоз, 1824294 та овоз	2. Расулов Камолiddин Раимбердиевич 4. Ганиев Дилмурод Ирқинович 6. Алимов Иномжон саидкулович 8. Каримов Сардор Юлдашбаевич 10. Мухамедова Холнииса Хожибоевна 1824294 та овоз 1824294 та овоз 1824294 та овоз 1824294 та овоз 0 та овоз
9-масала	10-масала	
Ўклаган 1824294-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	1. "AUDIT WON" МЧЖ 800.0 минг сўм. Ўклаган 1824294-100%, Бетараф 0-0,0%, қарши 0-0,0% 2. "GREAT-FOURS" МЧЖ - 10000.0 минг. Ўклаган 0-0,0%, Бетараф 0-0%, қарши 1824294-100% 3. "OSIYO-AUDIT" МЧЖ -13750.0 минг. Ўклаган 0-0,0%, Бетараф 0-0%, қарши	

		1824294- 100 %	
11-масала		12-масала	
Ўқлаган 1824294-100%		Ўқлаган 1824294-100%	
Бетараф 0 – 0,0%		Бетараф 0 – 0,0%	
Қарши 0 – 0,0%		Қарши 0 – 0,0%	

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок комиссияси баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Олой деҳқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824294 та овоз –100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши–йўқ,бетараф –йўқ).

3. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2022 йил ҳисобот йилида олинган 285285,0 минг сўм соф фойдасини тақсимланишида қуйидагилар инobatга олинсин:

(ёқлаган 1824294 та овоз –100%, қарши йўқ – , бетараф – йўқ).

Норматив ҳужжат сифатида Адлия вазирлигидан 1209-сон рақам билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (бугунги кундаги Иқтисодият ва молия вазирлиги) 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари (7-илова) **62-бандида** “«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» (450-сатр) моддаси ҳисоби бўйича тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи ҳисобларида (8700) юритиладиган **ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари)да акс эттирилади**” деб белгилаб қўйилганлиги.

Яъни Ф-1 шаклдаги 450-сатрни расмийлаштириш тартибига тушунтириш берилгани.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби сўтлари режаси ва уни кўллаш бўйича йўриқнома”нинг (рўйхат рақами 1181, 2022 йил 23 октябр) **361-банди** 2 хатбошисида “Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 “**Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)**” сўтининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу сўтнинг дебетига 9900 “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи сўтлар” сўти билан **боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади**” деб кўрсатилгани.

Бундан ташқари ушбу йўриқноманинг:

362 бандида. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи сўтлар (8700)нинг бошқа сўтлар билан боғланиши кўрсатилгани

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Сўтларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	ҳисобот даврида аниқланган якуний молиявий натижа тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) сўтига ўтказилди: фойда суммаси зарар суммаси	9910	8710
		8710	9910

Шундан келиб чиқиб, ушбу нормативлар ва унда келтирилган ўтказмалар намуналари асосида “Олой деҳқон бозори” АЖнинг бухгалтерияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Адлия вазирлигидан 2000 йил 3 июлдаги 942-сон рақам билан норматив ҳужжат сифатида давлат рўйхатидан ўтган йўриқномаси асосида ҳисобот йили (2022 йил)да олинган 285 285,0 минг сўм соф фойдасини 2023 йил 15 февралдан кечиктирмай (Ф-2, 270

сатр) Ф-1 шаклдаги 450-сатрда боғланган ҳолда акс эттирганидан кейин йил бошидаги -1 119 299,8 минг сўм зарар камайиб, йил охирида -834 015,1 минг сўмни ташкил қилгани (бухгалтерия баланси Ф-1 ва Ф-2 шакллари илова қилинади).

Демак бундан келиб чиқиб, ушбу нормативлар асосида ҳисобот йилида (2022) олинган соф фойда аввалги йиллардаги зарарни қоплашга **тўлиқ йўналтирилган**.

4.1. Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2022 йилдаги ЎРҚ-813-сонли қонунлари 12-моддасида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортик миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдоридан ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади” деб белгилангани сабабли, ушбу ҳужжат ва юқоридаги келтирилган норматив ҳужжатларни иноватга олиб, мазкур масалада жамиятнинг манфаатларида иш юритаётган “GODE and LAW” адвокатлик фирмаси “Иқтисод ва молия вазирлиги”га 2023 йил 23 мартда М-19-сонли адвокатлик сўрови юборганлиги сабабли, адвокатлик сўровига келадиган жавобга қараб, келтириб ўтиладиган таклифни (соф фойда масаласидаги) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш орқали ўзгартириш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловасига мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори А.К.Холжигитовнинг меҳнат шартномасини узайтириш тасдиқлансин ва шартнома уч йил муддатга тузилсин (ёқлаган 1824294 – 100 %, қарши йўқ – , бетараф – йўқ).

6.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

7 Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

7.1. Расулов Камолитдин Раимбердиевич (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294 - та овоз

7.2. Бойсинов Жасур Хасанович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294 - та овоз .

7.3. Алимов Иномжон Саидқулович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294 -та овоз

7.4. Каримов Малик Рахимович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294- та овоз

7.5. Раззақов Аҳад Анварович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294 -та овоз

7.6. Камолов Толмас Каримович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294 - та овоз

7.7. Ганиев Дилмурод Ирқинович (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294- та овоз

7.8. Каримов Сардор Юлдашбаевич (жамият устав фондининг 98,65 % акциядори ҳокимият вакили) 1824294- та овоз

7.9. Шерова Дилдора Нурдиновна (Мустақил аъзо) 1824294 - та овоз

8. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун ташки аудитор “AUDIT WON” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори 8000,0 минг сўм миқдоригача белгилансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгаришлар маъқуллансин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824294 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Йиғилиш раиси

Т.К.Камолов

Котиб

М.Каримова

Баённома имзоланган сана: 03 апрель 2023 йил.